



## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ХУКОГ® 5000 НР

**Препаратнинг савдо номи:** ХУКОГ® 5000 НР

**Таъсир этувчи модда (ХПН):** Хорионик гонадотропин

**Дори шакли:** инъекция учун эритма тайёрлаш учун лиофилизация килинган кукун

**Таркиби:**

Хар бир флакон куйидагиларни саклайди:

*фаол модда:* одам хорионик гонадотропини 5000 ХБ;

*ёрдамчи моддалар:* маннитол, сахароза, сувсиз натрий моногидрофосфати, натрий аскорбати, фосфат кислотаси, натрий гидроксиди, инъекция учун сув.

**Таъриф:** ок ёки деярли ок рангли лиофилизация килинган аморф кукун.

**Фармакотерапевтик гурухи:** Гонадотропинлар.

**АТХ коди:** G03GA01

### **Фармакологик хусусиятлари**

ОХГ – бу хомиладор аёллар сийдигидан олинган одам хорионик гонадотропини препаратидир. У ЛГ (худди интерстициал хужайравий рағбатлантирувчи гормон каби лютеминловчи гормон) ўхшаб биологик самара туфайли гонадаларда стероидогенезни рағбатлантиради. Эркакларда у тестостеронни ишлаб чиқарилишини, аёлларда эса – эстрогенлар ва айниқса овуляциядан кейин прогестеронни ишлаб чиқарилишини рағбатлантиради. Айрим ҳолатларда ушбу препарат одам менопаузал гонадотропини (ОМГ) билан мажмуада қўлланади.

Одам хорионик гонадотропини (ОХГ) – бу аёл тухумдонида тухум хужайрани нормал ривожланишини тутиб турувчи ва овуляция вақтида тухум хужайрани ажралиб чиқишини рағбатлантирувчи гормондир. ОХГ овуляцияни рағбатлантириш ва аёлларда бепуштликни даволаш, шунингдек эркакларда сперматозоидлар миқдорини ошириш учун қўлланади.

Аёлларда асосий фармакодинамик фаоллик -- ооцитлар мейозини тиклаш, фолликулаларни ёрилиши (овуляция), сарик танани ҳосил бўлиши, сарик тана томонидан прогестерон ва эстрадиолни ишлаб чиқарилишидир.

Аёлларда хорионик гонадотропин овуляцияни чакирувчи ЛГ ни суррогат ажралиб чиқиши каби таъсир кўрсатади.

Юқори даражада тозаланган ОХГ фолликулаларни якуний етилишини ва фолликулалар ўсишини рағбатлантириш учун дори воситалари қўлланилгандан кейин эрта лютеинизацияни бошлаш учун қўлланади.

Чоп этилган клиник тадқиқотларда 5000 ХБ дозада ОХГ юбориш ёрдамчи репродуктив технологияларда фолликулаларни якуний етилиши ва эрта лютеинизацияни ва овуляция индукцияси учун фойлади 5000 ХБ ОХГ ни чакиради. Одамларда юқори даражада тозаланган ОХГ га антителаларни ривожланишининг ҳеч қандай белгилари кузатилмаган.

### **Қўлланилиши**

#### ***Ановулятор бепуштлик:***

ХУКОГ НР препарати ановулятор аёллар бепуштлигини даволаш учун қўлланади, бунда ушбу препаратни юбориш фолликулалар етилишини дастлабки рағбатлантиришни ва эндометрий пролиферациясини, масалан менотропин (ХУМОГ НР) инъекциясини ўз ичига олувчи тап олинган даволаш схемасининг бир қисми бўлиб ҳисобланади.

### ***Гипогонадотроп гипогонадизм ва крипторхизм:***

Эркакларда ХУКОГ НР препарати моёқларнинг интерстициал хужайраларини ва шу орқали андрогенлар секрецияси ва иккиламчи жинсий белгиларни ривожланишини рағбатлантиради. Менотропинни ёндош инъекциясида ХУКОГ НР препарати сперматогенез индукцияси ва тутиб туришни рағбатлантиради.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

ХУКОГ НР препарати тери остига / мушак ичига юборилади. Бевосита қўллашдан олдин инъекция учун натрий хлориди ёрдамида эритиш керак.

### ***Ановулятор бепуштлик:***

ХУКОГ НР 5000 ҲБ умумий қабул қилинган схема бўйича менотропин (ХУМОГ НР) инъекциялари билан даволагандан кейин циклнинг ўртасида юборилади. Менотропин (ХУМОГ НР) инъекциялари дозаси ва қўллаш усуллари хақидаги тўлиқ маълумот талаб бўйича мавжуд.

### ***Гипогонадотроп гипогонадизм:***

ХУКОГ НР 5000 ҲБ зарурати бўлганида камида тўрт ой давомида инъекция учун менотропин (ХУМОГ НР) (1 флакон ҳафтада уч марта) ҳафтада икки марта қўлланади.

### ***Крипторхизм:***

5000 ҲБ ХУКОГ НР эквиваленти бир неча ҳафта давомида кунора буюрилади.

### **Ножўя таъсирлари**

Бош оғриғи, таъсирчанлик, безовталиқ, депрессия, толиқиш, шишлар, муддатидан олдин жинсий етилиш, гинекомастия, инъекция жойида оғрик.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

ХУКОГ НР препарати ёрдамида овуляцияни рағбатлантириш суперовуляция ва гиперстимуляция синдромига олиб келиши мумкин. Эстроген учун таҳлиллар ҳаддан ташқари реакцияни намоён қилади, шунинг учун ХУКОГ НР (ОХГ) препарати билан даволашни ушбу маълум даволаш циклида қолдириш мумкин. Эркакларда ХУКОГ НР препаратининг юқори дозалари шишларга олиб келиши мумкин ва бундай ҳолатларда дозалар аҳамиятли равишда пасайтирилиши керак.

Агар муддатидан олдин жинсий етилиш белгилари кузатилса, дозани пасайтириш керак.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

ХУКОГ НР препарати билан даволаш вақтида дори воситалари орасида ва дори воситалари ва озуқа маҳсулотлари орасида бирон-бир клиник аҳамиятли ўзаро таъсирлар хақида хабар берилмаган.

### ***Номутаносиблик***

Маҳсулот барқарор, ёрдамчи моддалар орасида номутаносиблик аниқланмаган.

### **Маҳсул кўрсатмалар**

ОХГ ни одам менопаузал гонадотропини билан бирга факат бепуштлик билан боғлиқ муаммоларни даволаш тажрибасига эга ва менотропинларни қўллашга доир йўриқномасида таърифланган пациентларни танлаб олиш мезонлари, қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар, огоҳлантиришлар, эҳтиёткорлик чоралари ва ножўя реакциялар билан таниш бўлган шифокорлар томонидан қўлланиши керак.

Бундай қўллаганда асосий жиддий ножўя реакциялар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- (1) Тухумдонлар гиперстимуляцияси, тухумдонларни тўсатдан катталаниши синдроми, оғрик билан ёки усиз кечувчи асцит ва/ёки плевра бўшлиғида суюқлик тўпланиши;
- (2) Кейинчалик қорин бўшлиғига қон қуйилишлари билан кечувчи тухумдонлар кистасини ёрилиши;

(3) Кўп хомилила туғруқлар;

(4) Артериал тромбоэмболия.

Андрогенлар суоқликни тугилишини чақириси мумкинлиги туфайли, юрак ёки буйрак касалликлари, тутканок, мигрень ёки астмаси бўлган пациентларда ОХГ ни эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

#### **Болаларда қўлланиши**

ОХГ томонидан андрогенлар секрециясини индукцияси крипторхизмдан даволанаётган болаларда муддатидан олдин жинсий етилишини чақириси мумкин. Муддатидан олдин жинсий етилиш белгилари пайдо бўлганида даволашни тўхтатиш керак.

#### **Кекса ёшдаги пациентларда қўлланиши**

ОХГ нинг клиник тадқиқотлари 65 ёш ва ундан катта пациентларни ўз ичига олмаган.

#### **Хомиладорлик ва лактация даври**

Хомиладорликка гумон бўлганда ёки эмизикли аёлларда ХУКОГ НР препаратини буюриш мумкин эмас.

#### **Автотранспортни ҳайдаш ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири**

Автотранспортни ҳайдаш ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсирини аниқлаш бўйича ҳеч қандай тадқиқотлар ўтказилмаган.

#### **Дозани ошириб юборилиши**

Дозани ошириб юборилиши самараси номаълум.

#### **Чиқарилмиш шакли**

ХУКОГ НР препарати 5000 ХБ дозали одам хорионик гонадотропинининг стерил юкори даражада тозаланган лиофилизация қилинган оқ рангли кукунини сакловчи флаконларда тақдим этилади. Ҳар бир флаконга 1 мл инъекция учун натрий хлориди сакловчи ампула илова қилинади.

Тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга.

#### **Сақлаш шароити**

2°C дан 8°C гача ҳароратда сақлансин. Музлатилмасин.

Ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин.

Биринчи марта очилгандан ва эритувчи билан эритилгандан кейин дарҳол ва бир марта қўллаш керак. Препаратнинг ишлатилмаган қисмини ташлаб юбориш керак. Болалар ололмайдиған жойда сақлансин.

#### **Яроқлилиқ муддати**

36 ой.

Ўраида кўрсатилган яроқлилиқ муддати ўтгач препарат қўлланилмасин.

#### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецепт бўйича.

#### **Ишлаб чиқарувчи/рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси**

Бхарат Серам энд Ваксинс Лимитед

Bharat Serum & Vaccines Limited

Plot No. K 27, Additional MIDC, Ambernath (East), India

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътироз (таклиф)ларни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**

“Sanapharm” МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, 100179, Тошкент ш., Олмазор тумани, Қамарнисо кўч., 28 А уй.

Тел.: 95-515-40-00

E-mail: [info@sanapharm.uz](mailto:info@sanapharm.uz)